

Абдулла Орипов Кашкадарё вилояти Косон туманидаги Некўз кишлогида дехкон оиласида 1941 йили дунёга келди. Обидийда кишлок советидаги ўрта мактабни 1958 йили олтин медал билан тугатгач, Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни журналистика бўлимига кириб, уни 1963 йили муваффақиятли битириб чикди.

1963 йилдан буён турли нашриётларда мухаррирлик, Ёзувчилар уюшмаси котиби, муаллифлар ҳукукини химоя қилиш идорасининг раҳбари вазифаларида хизмат қилиб келмоқда.

А.Ориповнинг талабалик йилларида яратилган шеърлари республика вақтли матбуотида босилиб чикди. 1965 йили биринчи шеърлар тўплами «Митти юлдуз» чоп этилди, шундан буён шоирнинг «Кўзларим йўлингда» (1967), «Онажон» (1969), «Рухим» (1971), «Ўзбекистон», «Касида» (1972), «Хотирот» (1974), «Юртим шамоли» (1974), «Хайрат» (1979), «Ҳаким ва ажал» (1980) «Нажот калъаси» (1981), «Йиллар армони» (1983) шеърӣ тўпламлари босилиб чикди. Мазкур тўпламларга кирган шеърларни кўздан кечирар эканмиз, унда шоирнинг шеърдан шеърга, тўпамдан тўпамга, йилдан йилга ўсиб, ижодий баркамоллашиб борганлиги гувоҳ бўламиз.

Айниқса, 60-йиллардан кейинги асарларида ҳаёт ва одамлар ҳақидаги жамият ва табиат ҳақидаги фалсафӣ мушоҳадаларнинг тобора чуқур тус олаётганлиги сезилади. Кучли эҳтиросли туйғулар билан бадиий талкин бирбирига уйғунлашиб боради. Бу, бора-бора теран фикрлаш билан юксак бадиийликнинг омуктасига айланади, шоирнинг камолотидан дарак беради. У она образини чизадими, биринчи муҳаббатга содик лирик қахрамон образини яратадими, Ўзбекистон ҳақида қуйлайдими, олам ва одамлар ҳақида шеър тўқийдими, ҳамма-ҳамма ўринда ҳаёт ҳақиқати билан бадиий ҳақиқатга содик қолади. Ҳатто энг катагонлик йилларида ҳам ростини, ҳа қучи етганича, имкони борича ва пардаларда бўлса ҳам рост сўзлади, шоир. «Токат» шеърӣда ҳам шу рух сезилиб туради.

Бозордан тутоқиб қайтар уйга чол,
Гўшт қайда? Ёг қани? Ваъда сўздами?
Кампири хўрсиниб юпатар дархол.
— Ўқинманг, такчиллик факат биздами??

Абдулла Орипов шеърӣятининг ҳозирги босқичи яна ҳам ўзгача, маънавий-бадиий жихатдан юксакликка кўтарилмоқда. Унинг «Ҳаж дафтари» (1992)га кирган «Ҳадис»лари ҳам буни тўла тасдиқлайди. Ҳозиргача у 50 та ҳадис-шеър яратган бўлса, келгусида уни юзга етказмоқчи. У мустақил Ўзбекистон мадҳиясининг муаллифи ҳамдир. Энг муҳими, унда шоир Куръони қарим ва ҳадиси шарифлардаги маънавийтни қайта, замон руҳида тиклаш, янги босқичга кўтаришга интиляпти.

Абдулла Орипов истеъдодли шоир бўлганидек, истеъдодли таржимон ҳамдир. У Дантенинг «Илохий комедия» асарини ўзбек тилига юксак маҳорат билан ўғирди. Абдулла Орипов Некрасов, Л.Украинка, Шевченко асарларш ҳам она тилига таржима

килган.

Ижодкорнинг шеърий мажмуалари рус ва бошқа ка дош халклар тилларига таржима килинган ва алохида китоб холида нашр этилган.

Абдулла Орипов — ноёб истеъдод эгаси. Чукур фалсафийликлик, миллий гурур, исёнкор рух, диний-ахлокий теранлик шоир шеърияти асосларини ташкил этади. Ўзбек халкининг миллий уйғониши, хурфикрлик ва мустақиллик учун кураш йўлида Абдулла Орипов шахси ва ўткир шетэрияти мисли кўрилмаган ўрин тутганини кавд этиб ўтиш жоиз. Унинг асарлари ўзбек шеъриятини хамон бойитмокда.

Ўзбекистон халк шоири (1989) Абдулла Орипов муносиб такдирланган. У Хамза номидаги Республика Давлат мукофотининг лауреатидир.